

лизисга учрайди, намунани узоқ вақт 28°Сдан юқори ҳароратда қолиб кетиши.

Лейкоцитоз клиник аҳамияти: нейтрофил лейкоцитоз: ўткир бактериал инфекция, тўқималарнинг шикастланиши ва геморрагияларда (қон кетиши), лимфоцитоз: ўткир ёки сурункали вирусли инфекцияларда, моноцитоз сурункали бактериал, протозоа ва риккетсиоз инфекцияларда, эозинофилия аллергия касалликлар, паразитар инвазия, тери касалликларида кузатилади.

Лейкопения асосан нейтропениедан иборат бўлади. Нейтропения ва тромбоцитопения қизил суяк кўмигининг касалликлари ёки унинг фаолиятнинг пасайишида, талоқ секвестрациясида ёки хужайраларнинг юқори деструкциясида (одатда антитаналар таъсирида) пайдо бўлиши мумкин.

Адабиётлар.

1. Курбонова З.Ч., Сайфутдинова З.А. Лаборатор текширувлар учун материал олиш қоидалари: ўқув қўлланма. Тошкент, 2023.
2. Курбонова З.Ч., Сайфутдинова З.А. Лаборатор текширувлар учун материал олиш қоидалари: электрон ўқув қўлланма. Тошкент, 2023.
3. Курбонова З.Ч., Сайфутдинова З.А. Клиник лаборатор таҳлиллар учун биологик материал олиш қоидалари: ўқув - услубий қўлланма. Тошкент, 2023.
4. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Laborator tekshirish uchun material olish qoidalari: o'quv qo'llanma. Toshkent, 2023.
5. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Laborator tekshirish uchun material olish qoidalari: elektron o'quv qo'llanma. Toshkent, 2023.
6. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A., Sayfutdinova Z.A. Laboratory work: study guide. Tashkent, 2023
7. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A., Sayfutdinova Z.A. Laboratory work: electronic study guides. Tashkent, 2023
8. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A., Sayfutdinova Z.A. Introduction to cytological diagnostics: study guide. Tashkent, 2023.
9. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Klinik laborator tahlillar uchun biologik material olish qoidalari: o'quv - uslubiy qo'llanma. Toshkent, 2023.
10. Babadjanova Sh.A., Курбонова З.Ч. Qon kasalliklari: o'quv qo'llanma. 2023, 156 b.

РЕТИКУЛОЦИТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УНИНГ КЛИНИК АҲАМИЯТИ

Эргашова М.Ш.

Тошкент тиббиёт академияси

Периферик қонда эритроцитлардан ташқари уларнинг ўтмишдоши ҳисобланган ретикулоцитлар - ёш эритроцитлар ҳам бўлиб, улар 1-2 кунда эритроцитларга айланади. Ретикулоцитлар ҳам ядросиз бўлиб, уларда баъзи органеллалар, митохондрия ва эндоплазматик тўр қолдиқлари сақланган